

# КИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 1 ноябрь

ЖУМА

№ 212 (5.255)

Баҳоси 8 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

Бугун Ўзбекистон Халқ-Демократик  
партиясининг таъсис қурултойи очилади



## ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойи иш бошлайди. Унинг қатнашчилари Ҳаракат дастури ва Низомни муҳокама қилишади. Республикамиз коммунистларнинг асосий қисми ўз тақдирларини Халқ-Демократик партияси билан боғламакдлар. Шу билан бирга бир неча ўн минг киши янги уюшмага кириш истагини билдирди.

Қурултой делегатлари анжуманга қандай фикр ва таклиф билан келдилар? Янги партия қандай бўлиши керак? Уюшма жамиятда етакчи ўрнини эгаллайдими? Қуйида сиз шу ҳақда қурултой делегатларининг мулоҳазалари билан танишасиз.

Эрдеш АҲАДОВ, Пайарик районидagi «Партия XXII съезди» жамоа хўжалик бошқаруви раиси:

— Жонажон Ўзбекистонимизда янги партия ташкил бўлмақда. Ундан умидимиз катта. Бу уюшма халқнинг ишончини оқлармикин? У Компартиядек жамиятда етакчилигини ўз қўлига олади-ми? Албатта, бунга ҳаёт кўрсатади. Лекин шундай бўлса-да менимча, умид қилиш учун асослар етарли. Чунки партиянинг сафидаги кучлар соғломдир.

Янги партиянинг эълон қилинган Ҳаракат дастури ва Низом лойиҳаси билан танишиб чиқдим. Уларни асосан маъқуллашди. Лекин лойиҳалар тўлдирилди-ми? Мисалан, партиянинг жамиятда етакчилиги қилиш учун амалга оширадиган ишлари аниқ кўрсатилмаган. Чунки ҳозирги мурракб шароитда етакчи куч бўлиш қийин. Ўйлайманки, қурултойда бу ҳақда сўз юритилиши.

Ҳаракат дастури лойиҳаси учунчи пухта эмас. Амалга оширилиши лозим бўлган ишлари аниқ қилиб белгиланган. Баъзи кишилар Компартия асосида Халқ-Демократик партияни ташкил бўлмақда, у ўзини оқламайди, чунки коммунистлар ўзларини батамом обрўсизлаштиришган эди.

Биз хўжалик юртишнинг янги усулларидан муваффақиятли фойдаланаямиз. Мавжуд 16 та бригаданинг ҳаммаси ойда пудратда ишламоқда. Бу мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда айниқса кўл келмоқда. Масалан, Турсун Елғошев бошлиқ бригадда жорий йилда гектардан 35 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Ўринбой Назаров, Ўтаган Очилов, Солиқ Гадов, Жозил Муҳаммадиев бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосилдорлик 35 центнердан ошди.

Халқ-Демократик партияси миллатимиз фаровонлиги йўлида курашади, деб ишонаман.

Шанарбой ИСРОНЛОВ, Жинзах вилояти Пахтакор районидagi Ўзлов молчи давлат хўжалигининг директори:

— Халқимизнинг янги партиядан умиди катта. Илгари ҳамма масалаларни Москвада ҳал қилишарди. Халқ-Демократик партияси эса республикамизнинг миллий-сиёсий уюшмаси бўлиб қолади. Миллатимизнинг раънақи йўлидаги барча масалаларни мустақил ҳал қилади. Албатта, халқ хурматида сазовор бўлиши бизга, яъни унинг аъзоларига ҳам боғлиқ.

Сийёсий уюшма жуда мурракб шароитда вужудга келмоқда. Лекин қувончли томони шундаки, коммунистларнинг деярли ҳаммаси янги партияга киришди. Улар асосан тақрибани ва ишбилармон кишилар. Айни пайтда вазибалар ҳам кўп. Уларни ечиш етакчи партиядан куч-ғайрат ва маҳорати талаб қилади. Ушбу масалалар ҳақида қурултойда гап боради, деб ўйлайман.

23 та терим агрегати юксак умум билан ишлатилди.

Партиянинг асосий вазифаларидан бири иқтисодийни барқарорлаштириш бўлиши керак. Бу ҳозирги пайтда энг долзарб вазифадир. Халқ фаровонлигини ошириш, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳамма муаммоларни юрти-мизда ҳал қилиш Халқ-Демократик партиясининг тўб вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Дастур ва Низомнинг лойиҳалари билан танишиб чиқдим. Назаримда, улар ҳали тўлдирилмиш лозим. Айниқса, қўйилган вазифалар ва уларнинг бажарилиши аниқ-равшан дастурда кўрсатилиши керак. Шунда қабул қилинган сиёсий ҳужжатларнинг обрўси янада ошади. Партия бадалларининг қанча фойда ҳисобидан олинишига аниқлик киритиш зарур.

Хўжалигимиздаги коммунистларнинг деярли ҳаммаси янги партияга аъзоси бўлишди. Бизда партиянинг обрўси юқори. Бунга эришадиган муваффақиятларимиздан ҳам бизга бўлади. Жорий йилда пахта тайёрлаш режасининг октябрь ойининг ўрталарида районда биринчи бўлиб бажарилди. Хоҳир даладада иш қизиган. Ниятимиз гектарлар ҳосилдорлигини 25 центнерга етказиш.

Хўжалигининг бошқа тармоқлари режалари ҳам удаланган. Йиллик мева-сабзавот ва туққиз ойлик гўшт, сут топириш топирилар аллақачон бажарилиди.

Ҳозирги анжумандан умидимиз катта. Қурултой халқимизни ёруғ йўлга олиб чиқиш учун аниқ дастурларни кўрсатиб беради. Янги партия ҳақиқий халқчил, демократик бўлади, деб ишонаман. Бунинг учун биз— партия аъзолари ҳамма ишни қиламиз.

Хўжалигимиздаги коммунистларнинг деярли ҳаммаси янги партияга аъзоси бўлишди. Бизда партиянинг обрўси юқори. Бунга эришадиган муваффақиятларимиздан ҳам бизга бўлади. Жорий йилда пахта тайёрлаш режасининг октябрь ойининг ўрталарида районда биринчи бўлиб бажарилди. Хоҳир даладада иш қизиган. Ниятимиз гектарлар ҳосилдорлигини 25 центнерга етказиш.

Хўжалигининг бошқа тармоқлари режалари ҳам удаланган. Йиллик мева-сабзавот ва туққиз ойлик гўшт, сут топириш топирилар аллақачон бажарилиди.

Ҳозирги анжумандан умидимиз катта. Қурултой халқимизни ёруғ йўлга олиб чиқиш учун аниқ дастурларни кўрсатиб беради. Янги партия ҳақиқий халқчил, демократик бўлади, деб ишонаман. Бунинг учун биз— партия аъзолари ҳамма ишни қиламиз.

Хўжалигимиздаги коммунистларнинг деярли ҳаммаси янги партияга аъзоси бўлишди. Бизда партиянинг обрўси юқори. Бунга эришадиган муваффақиятларимиздан ҳам бизга бўлади. Жорий йилда пахта тайёрлаш режасининг октябрь ойининг ўрталарида районда биринчи бўлиб бажарилди. Хоҳир даладада иш қизиган. Ниятимиз гектарлар ҳосилдорлигини 25 центнерга етказиш.

Хўжалигининг бошқа тармоқлари режалари ҳам удаланган. Йиллик мева-сабзавот ва туққиз ойлик гўшт, сут топириш топирилар аллақачон бажарилиди.

Ҳозирги анжумандан умидимиз катта. Қурултой халқимизни ёруғ йўлга олиб чиқиш учун аниқ дастурларни кўрсатиб беради. Янги партия ҳақиқий халқчил, демократик бўлади, деб ишонаман. Бунинг учун биз— партия аъзолари ҳамма ишни қиламиз.

Хўжалигимиздаги коммунистларнинг деярли ҳаммаси янги партияга аъзоси бўлишди. Бизда партиянинг обрўси юқори. Бунга эришадиган муваффақиятларимиздан ҳам бизга бўлади. Жорий йилда пахта тайёрлаш режасининг октябрь ойининг ўрталарида районда биринчи бўлиб бажарилди. Хоҳир даладада иш қизиган. Ниятимиз гектарлар ҳосилдорлигини 25 центнерга етказиш.

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Қирғизистон Республикасининг Бош вазири Н. И. Исанов бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 31 октябрь кунин Тошкентга келди. Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Н. И. Исанов ва бошқа раҳбарларни Ўзбекистон Республи-

каси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосарлари А. Муталов, Т. Е. Шарипов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Сўнгра икки республика ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шартномани Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов билан Қирғизистон Республикаси Бош вазири Н. И. Исанов имзолادилар.

Хужжатда иккала республика келгуси йилда келишиб олинган маҳсулот турлари ҳамда хом ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари

ва бошқа молларни етказиб бериш муддатларига қатъий амал қилишлари кўзда тутилган.

Шартнома маҳсулот етказиб беришни, бинобарин иқтисодийнинг кўпгина тармоқларида ишни барқарорлаштиришга имкон беради. (ЎЗАТ).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

30 октябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда республиканинг давлат мустақамлаш масалалари қараб чиқилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлисида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган шартнома қарор қилинди. Унда бир қатор тегишли қонунларни, шу жумладан Республика Президентининг умумхалқ сайловини ўтказиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома ҳамда суверен давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шарт-

нома лойиҳаси хусусидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди. Имзоланган шартнома республикани мушкул аҳволдан олиб чиқишга оид қатор муаммоларни ҳал этиш учун замин тайёрлаганини таъкидлаб ўтилади.

Раёсат суверен давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолашни бошқа республикалар билан икки томонлама шартномалар тузилгунга қадар ҳамда шартноманинг тугал лойиҳаси Олий Кенгашда муҳокама этилигунга қадар тўхтатиб туришни зарур деб топди.

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ва Украина ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартноманинг, РСФСР билан Ўзбекистон

Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги битим ҳамда Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари ўртасидаги музокара-ларнинг якунлари юзасидан ахборот имзолаганини Раёсат аъзолари маъқулладилар. Ушбу шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Кенгаш муҳокама қилишга қарор қилинди.

Тушган сўровларга жавобан 1991 йилнинг 7 ноябрий — дам олиш кунинда намойишлар ҳамда шу санага бағишланган бошқа жамоат, байрам тадбирларини ўтказиш мақсадида мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди. 8 ноябрь иш кунини деб эълон қилиниб, бу иш кунини ҳақ меҳнат тўғрисидаги қонунларга му-

вофиқ туланади ёки жамоатнинг ихтиёрига биноан меҳнат отпускига бир кун қўшиб берилади.

Кадрларга оид масалалар қараб чиқилди. Н. Саъдуллаевнинг «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаси муҳаррири вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси қондирилди. Олий Кенгаш раҳбариятининг, ошкоралик масалалари қўмитасининг таклифи биноан ҳамда А. Ф. Муратовнинг розилиги билан унинг ўз лавозимига тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Илгари у ўз илтимосига биноан вазифасидан озод этилган эди.

Раёсат бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати қарор қилди:

Уш иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккинчи сессияси 1991 йил 18 ноябрда Тошкент шаҳрида чакрилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЯУЛДОШЕВ.

1991 йил 30 октябрь.

\*\*\*

Уш иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккинчи сессияси муҳокама қилинган кунинда:

1. Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома ҳамда суверен давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси хусусида.

2. Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

3. Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

4. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида битим ҳақида ва Ўзбекистон Республикаси билан Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг расмий делегациялари ўртасидаги музокара-ларнинг якунлари юзасидан ахборот хусусида.

5. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқинида).

6. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақида умумхалқ овоз беришни ўтказиш тўғрисида.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

9. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

10. «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимой қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

11. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия бошқарув идоралари тузиллини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

12. «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузиллиш масалаларини ҳал этиш тартиби ҳақида»ги Қонун лойиҳаси тўғрисида.

13. Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида.

14. Ўзбекистон Республикасининг давлат раъмлари тўғрисида.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, баъзи вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг тартибидagi ўзгаришлар ҳақида.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг баъзи қўмиталари ва комиссиялари ҳамда уларнинг таркиби тўғрисида.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлик одоб комиссияси тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақида.

## ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

31 октябрь кунин Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис сьездин чакриш Ташкилот комитетининг мажлиси бўлиди.

Ташкилот комитети рўйхатга олиш ва янги партияга қабул қандай бораётганлиги, дастур ва Низом лойиҳалари муҳокама-сининг якунлари тўғрисидаги масалаларни, шунингдек Ўзбекистон ХДП таъсис сьездин киритиладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқди.

Ташкилот комитети «Ўзбекистоннинг янгилаш, унинг истиқлоли ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ учун муносиб турмуш шароитларини яратишда Халқ-Демократик партиясининг роли ва ўрни» маърузасининг лойиҳасини маъқуллади ва

сьездеда маъруза қилишни Ташкилот комитетининг Раисини, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовга топширди.

Сьездин тайёрлаш ишчи гуруҳининг раҳбари Х. М. Абдураимов, Ташкилот комитетининг аъзолари — Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ илмийохининг директори А. Ҳ. Саидов ҳамда Тошкент электротехника алоқа илмийохининг ректори Ю. А. Абдуллаев кўриб чиқилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисини Ташкилот комитетининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошқарди.

## ХИРМОНГА БАРАКА

Қорақалпоғистонда ва республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоз ҳисобида)

| Вилоятлар                    | Бир кунда | Маъсум бошдан | Шу жумладан машинада терилгани | Бир кунда | Маъсум бошдан |
|------------------------------|-----------|---------------|--------------------------------|-----------|---------------|
|                              |           |               |                                |           |               |
| БУХОРО                       | 0,43      | 112,57        | 0,29                           | 86,32     |               |
| ҚАШҚАДАРЕ                    | 0,46      | 107,97        | 0,30                           | 115,47    |               |
| ФАРҒОНА                      | 0,34      | 106,23        | 0,14                           | 98,52     |               |
| СУРХОНДАРЕ                   | 0,72      | 104,71        | 0,29                           | 107,16    |               |
| НАМАНҒАН                     | 0,53      | 104,19        | 0,29                           | 108,50    |               |
| ЖИЗЗАХ                       | 0,44      | 103,03        | 0,45                           | 125,21    |               |
| АНДИЖОН                      | 0,83      | 101,60        | 0,73                           | 108,63    |               |
| СИРДАРЕ                      | 0,28      | 101,55        | 0,20                           | 111,70    |               |
| Самарқанд                    | 1,01      | 98,55         | 0,61                           | 103,22    |               |
| Тошкент                      | 0,71      | 98,22         | 0,50                           | 105,57    |               |
| Хоразм                       | 1,14      | 80,82         | 0,98                           | 49,47     |               |
| Қорақалпоғистон республикаси | 1,10      | 78,84         | 0,80                           | 74,57     |               |

| Республика бўйича                | 0,65 | 100,81 | 0,44 | 102,15 |
|----------------------------------|------|--------|------|--------|
| ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА |      |        |      |        |
| БУХОРО                           | 2,93 | 115,70 | —    | —      |
| СУРХОНДАРЕ                       | 0,80 | 108,19 | —    | —      |
| ҚАШҚАДАРЕ                        | 0,82 | 103,87 | —    | —      |
| Наманган                         | 1,33 | 90,77  | —    | —      |
| Андижон                          | 0,96 | 39,03  | —    | —      |

| РЕСПУБЛИКА БҮЙИЧА | 0,90 | 105,16 | — | — |
|-------------------|------|--------|---|---|
|-------------------|------|--------|---|---|

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!


## ОБУНА 15 НОЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Алоқа вазирлигининг хабар беришича, республика рўзномалари ва ойномаларига обуна 15 ноябргача узайтирилди.

«Қишлоқ ҳақиқати»га обуна бўлишни унутман!

«Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

РЎЗНОМА ОБУНА БАҲОСИ:  
1 йилга — 25 сўм 68 тийин;  
ярим йилга — 12 сўм 84 тийин;  
3 ойга — 6 сўм 42 тийин;  
Нашр кўрсаткичи 64.602.



СУРАТЛАРДА: қурултой қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сураатлар.



РИЗҚ-РЎЗ САРЧАШМАСИ

ФЕРМЕР—ХЎЖАЛИК ЁРДАМЧИСИ

Уч йил муқаддам деҳқон хўжаликлари шунчалик кам эдики, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни, қўшаётган ҳиссасини аниқлаш, фаолиятини таҳлил қилиш мушкул эди. Жумладан, Бухоро вилоятида фермерлар сонини ўртадан ошмасди. Ҳозирча иш олиб бораётган ташаббускорлар қишлоқ хўжалигида янги йўналиш, унинг келажак ҳусусида аниқ тасаввурга эга эмасдилар. Гўё улар четдаги оролчаларга ўхшардилар.

Хўш, бугун аҳвол қандай? Иш юртингизнинг қайси усули одамларга маъқул тушяпти? Ҳозирги шароитда фермерлар ўзларини қандай ҳис этишмоқда? Шу саволлар юзасидан вилоят Кенгаши раиси Д. ЕДГОРОВ муҳбиримизга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Бизнинг тутган йўлимиз иш юртингизнинг барча шакллари ривожига ёрдам бериш, уларга тенг шароит яратиш янада фойдали томонларини кидириб топишдир. Бизда колхоз ва совхоз тизмаси мавжуд экан, шахсий хўжаликларнинг кўпайтириш жуда муҳим.

Нега? Тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Вилоятда асосий қишлоқ хўжалик экани — пахта ҳисобланади. Аксарият хўжаликларнинг деҳқончилиги шу. Агар ҳар бир одамга сугориладиган майдонлар учун сув тақсимланадиган бўлса, жуда оздан тўғри келади ва у талабни қондирамайди. Шунинг учун ҳам ер комиссиялари ва комитетлар ирригация тармоқлари иштини мувофиқлаштиришни колхоз-совхозлар ихтиёрида қолдирди. Ҳозирги шароитда бошқача бўлиши мумкин эмас. Сувнинг танқислиги, сугориладиган майдонлар ҳажми ҳисобга олиниб шунга қарор қилинди. Қолаверса, жамият ва кишиларнинг ҳаётини ташвишлар, истаклари колхоз ҳамда совхозларни сақлаб қолишни, уларни мустақиллаштиришга таъсир этмоқда. Эндиги вақфизамиз йили пахтачиллик хўжаликларидан ишчи тўла механизациялаш, илмий

техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдир.

Аммо бу хўжаликнинг ички тузиллигини қайта кўриб чиқишга асло ҳалақат бермайди. Қайтаги қишлоқ хўжалигининг бошқа хил маҳсулотларини етиштиришга катта имконият яратди. Сўнгги йилларда ижара муносабатларини жорий этиш вилоятда кенг ёйилди. Қайриб барча хўжаликлар бу тадбирни амалга оширишди. Шу асосда бошланғич кооперативлар, оилавий фермалар, махсус аэнолар ташкил этилаётган. Буни ишлаб чиқариш жамоаларининг мустақиллиги йўлидаги дастлабки қадам, деб аташ мумкин.

Кутилганидек, уларда юксак меҳнат унвудорлигига эришилмапти. Етиштирган маҳсулотларни яхши баҳолаётган. Масалан, Ибн Сино номли совхозда хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган жамоаларга узоқ муддатта ер ижарига берилди. Улар қорамоллар сотиб олишди. Ихтиёридаги майдонларга озунбоп ва бошқа экинлар экишган. Натижа яхши бўлди. Жамоат хўжалиги кооперацияси жадал ривожланаётган. Охириги уч йилда маҳсулот ишлаб чиқариш

ҳажми 1,2 млн, меҳнат унвудорлиги 35 фоиз ўсди. Рентабеллик хўжаликда сезиларли даражада кўтарилди.

Айни пайтда вилоятда 3 мингга яқин деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари фаолият кўрсатапти. Кўплари ҳосилдорликда юқори кўрсаткичларга эришяптилар. Бир неча мисол келтирайман: Пешку районидagi «Москва» колхоз фермери Талаб Фаттоев биринчилардан бўлиб мустақил хўжалик ташкил этган эди. Ҳозир у оиласи билан 31 бош йирик бошли қорамол (шундан 10 таси соғин сугир) ни парвариш қилаётган. Ўтган йили у давлатга 6 тонна гўшт ва 50 сонна сут топишди.

Шунингдек, Ромитан районидagi Ибн Сино номли совхоз фермери Теша Ташев ҳам ўзини тадбиркор чорвадор сифатида кўрсатди. Унда 50 бош сугир ва сўкимга боқилаётган бузоқлар бор. Фермерга 8 гектар ер ажратилган. Бундан ташқари совхоз озуқа масаласида ёрдам қилапти. Ташев йил давомида давлатга 78 тонна сут, 12 тонна гўшт сотди. Бундан қурилган фойда 23 минг сўмини ташкил этди.

Шундай хўжаликлар кўп-лудан гоёт мамнумин. Уларнинг сафи кенгайишга ҳаракат қилияпти. Фақатгина фермерларнинг ўзи ўтган йили 564 тонна гўшт, 13 минг тоннадан зиёд сут етиштиришди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса 660 тонна гўшт, 7 минг тоннадан ортиқ сут топишди.

Бугунга келиб деҳқон оилалари ихтиёрида 55 минг гектар шахсий ер участка-

лари бор. Ўтган йилга таққослаганда уларда қорамоллар сонини 60 минг бошга ёки 23,5 фоизга, қўй-эчкилар сонини 56 мингга кўпайди. Уларни бирлаштирувчи виллоят шахсий ёрдамчи хўжаликлари эгалари ассоциацияси тузилган. Ўйлайманки, бу йўл озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишимизда ёрдам беради.

— Деҳқон олдидagi биринчи муаммо — ер олин. Шунда у бошланган ташаббусни амалга ошириш имкони туғилди. Бунинг ҳал этишда асосий қийинчилик нимада?

— Қийинчилиги шундаки, бизда ортиқча ер йўқ. Сугориладиган майдонлардан режалар ривожланимоқда. Ҳамма ерда тезкор технология жорий этилган. Лекин шундай бўлишига қарамай, фермер учун жой топилапти. Махсус комитетлар, депутатлардан тузилган комиссия ишлаяпти. Пахта экинлигини майдонлар 13 фоизга қисқартирилиши ҳисобига талаб қондирилмоқда. Бу жараён яна давом эттирилади.

Ер тақсимлаш билан шугулланаётган комитетлар деҳқон хўжаликлари ташкил этиш йўлида ҳуқуқий ва иқтисодий масалалар устида ишлаяптилар. Улар ҳаммасини обдон ўрганиб, ҳужжатларини расмийлаштиригач, депутатлик комиссияларига тақдим қилишмоқда. Агар ҳеч қандай асосли эътирозлар билдирилмаса, қарор қабул қилиш учун район Кен-

гаши сессиясига тақдим этилади.

— Ер олинди дегани — бу ҳали ҳамма иш ҳал бўлди, дегани эмас. Ишчи йўлга қўйиб юбориш учун қарз, ссуда олиш мумкин. Лекин техника ва қурилиш материалларини қаердан топади?

— Ҳаммамизни ўйлангандан савол. Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш мақсадида республика бюджетидан 1 миллиард сўм ажратилган. Аммо бу пулга материал ҳали келди тушгани йўқ. Маҳаллий хўжаликлар фермерларга қўшма техника сотишди. Бу деҳқон хўжаликлари уюшмаси марказлаштирилган таъминот оморларидан ундирганидан кўпроқ. Шу соҳадagi юмушларни бир изга солиб юбориш учун талаб қийинчиликлари енгил бўлишига тўғри келади. Шахсий хўжаликларни зарур ашёлар билан таъминлашни бир йўлга солиш керак. Ҳеч бўлмаганда, у истаган нарсасини сотиб оладиган бозор барпо этилганча.

Менимча, ушбу муаммоларни фақат давлат сектори ҳисобига ҳал этиш мумкин. Гарбда эса фермер хўжаликларини муттасил ривожлантириш жараёни давлатнинг ўзи йиллаб қўллаб-қувватлаш орқали олиб борилади. Бизда ҳозирча ундай эмас. Шунинг учун ҳам фермернинг асосий суянган тоғи колхоз ёки совхоздир.

Фермерлик ҳаракати колхозлар билан ҳеч қачон эндидаги бормаслиги керак. Аксинча, ҳаётнинг ўзи ҳамкорлик инкалати томон учун фойдали эканини кўрсатапти. Қўшма совхоз

директорлари ва колхоз раислари ҳамкорлигини дадил бошлашлар. Масалан, Бухоро районидagi «Партия XXII съезди» колхозидagi Ҳаёт Раҳимов рафиқаси ва қизи билан оилавий ферма ташкил этган эди. Колхоз уларга уй ва унинг ёнида 60 бош қорамолга мўлжалланган ферма солишти ёрдам берди. Қурилиш 40 минг сўмдан сал ошқича тушди. 1990 йилда Раҳимов оиласи говмишлардан 90 тонна, яъни ҳар бошдан 4 минг тоннага яқин сут соғиб олди. Бир центнер сутнинг таннарихи 22,2 сўмини ташкил этди.

Бизнинг илтимосимизга қўра, олимлар виллоятимизда деҳқончилик-саноати комплексини бундан бўён ривожлантиришга мўлжалланган лойиҳани тақдим этишди. Айни пайтда баъзи совхозлар колхозларга айлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Шофюркор районидagi ўтказилган савол-жавоблар шунини кўрсатдики, аҳолининг 95 фоизи ерни одамларга бўлиб беришга қарши. Агар хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, деҳқоннинг уйдан қўнгли тўқ, ишдан ранжиканга бошқасининг унга нима кераги бор? Соғлом фикр юритиб, сновдан ўтган тажрибаларни янги ташаббус, ва изла-нишлар билан бойитиб борган хўжалик жуда узоқ яшайди. Бизнинг мақсодимиз ўтмиш билан боғлаб турган кўприкларни бузиб ташлаш эмас, уларни асраш. Ибратли, яхши йўллари давом эттиришдир.

В. ПУРГИН, («Экономика и жизнь» ҳафталигининг 42-сонидан олинди).

БЎРДОҚИБОҚАРЛАРНИНГ ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ

Рустамжон Қарши қишлоқ хўжалик техникумини тутатганда анча гўр йигитча эди. Дастлаб Ульянов районидаги 18-давлат хўжалигига ҳисобчи, сўнг-бош ҳисобчи ёрдамчи бўлди. 1981 йилда Баҳористон районидagi Сулаймон Муродов номли 29-совхознинг бош ҳисобчиси назифасини топишди. Аввалига қийналди, кейин элаб кетди. Бунда тиришқоқлиги кўл келди. Кейинчалик унинг шу фазилатларини ҳисобга олиб, бурдоқчилик фермаси мудириликни топишди. Раҳбарлар унинг ферма ишларини йўлга қўйиб юборишга ишонди. Албатта, ҳамма нарсга уқув керак. Рустамжон биринчи навбатда тартиб-интизомни йўлга қўйди, талабчанлигини оширди. Бунда ўзи ўнмак бўлди.

Изланган имконият топиш шунинг мудири мисолида яна бир бор исботланди. Рустамжон фермага келгандан бошлабқоқ жамоат чорвачилигини ривожлантириш, туёқ сонини оширишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Гапириса осон. Амалга оширишчи? Ҳўш, бунга қандай эришса бўлади? Ўйлай-ўйлай мудири чорасини топди. Кишилар билан ўзаро шартнома тузди. Шартлари хўжалик раҳбари ва қорамол топирадиган шахс ўртасида йозилди. Хўжалик ўз навбатига ҳар бир топирилган қорамолни йил давомида 2 тонна дағал шашак, 300 килограмм омухта ем билан таъминлаш, малакали ветеринария хизмати кўрсатиш, жамоатчилик далолатнома тузиб, қабул қилишни ўз зиммасига олди. Хуллас, тирик вазнадаги қорамолнинг ҳар бир килограмми учун беш сўм атрофида ҳақ туланидиган бўлди. Ўрта туланидиган 300 килограмм тош босадиган мол топириган ишчи 1500 сўм пул олди. 1990 йили ҳар бир қорамол ўртача 305 килограммдан тирик вазнада қабул қилинди. Аҳолидан шў тариқа 90

бошдан ортиқ сўқим олинди. Натижа ёмон бўлмади ва ҳеч бир томон ютқизмади. 3-бўлимдан пахтачилик бригадаси бошлиғи Бобоқул Ҳасанов ва Жўра Имомов 4 бошдан қорамол топиришди. Автопарк ходими Ҳалим Аннаев икки новос учун 3.516 сўм пулни нақд санаб олди.

Жониворлар беш ой семиртирилиб, давлатга топиришди. Ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазини 424 килограммининг ташкил этди. Уларнинг қўндалик семирлиги 700 граммга тўғри келди. Айримлари ҳатто 800—900 граммга етди.

Хўжалик йилдаги гўшт тайёрлаш режасини бажариш арасидан. Ҳозирча давлатга 90 тонна гўшт ет-

казиб берилади. Яна 20 тонна гўшт топиришса, йиллик марра эгалланади.

Эндиликда район миқёсидagi йигитларда ферма ҳақида фақат илқ гаплар айтылмақда. Тақриба алмашиш учун бошқа жойлардан чорвадорлар келиб туришибди. Бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезилиб турган, гўштининг нархи ўсиб бораётган бир шароитда илгорларнинг амалга ошираётган ишлари кимни қизиқтирмайди дейиш, бурдоқчилик фермаси мудириликни топишди. Раҳбарлар унинг ферма ишларини йўлга қўйиб юборишга ишонди. Албатта, ҳамма нарсга уқув керак. Рустамжон биринчи навбатда тартиб-интизомни йўлга қўйди, талабчанлигини оширди. Бунда ўзи ўнмак бўлди.

Гўшт етиштириш ўз-ўзидан бўлмади. Мустаҳкам озуқа базаси яратилган жойдагина бунга эришиш мумкин. Хўжаликда молларни семиртиришда озуқа рақсония қатъий амал қилинапти. Рацион таркибидан асосан витаминларга бой кучли озуқалар ўрин олган. Беда пичани, ширали емлар рационнинг асосини ташкил этади. Жониворлар бир кунда 5 марта озиқлантирилимоқда. Бурдоқчибоқарлар мақсади келгусида ҳар бир қорамолнинг тирик вазинини 500—550 килограммга етказиш.

— Бунинг уддасидан чикми мумкин, дейди Рустамжон Ҳайдаров, — мутахассисларнинг фикрича, рацион таркиби янада бойитилса, молларнинг етга эт қўшилиши ортаверади.

Ишлар энди бир изга тушганда улар олдига бир муаммо пайдо бўлди. Режалардан ташқари сотилган пахтадан тайёрланадиган маҳсулотнинг бир қисми хўжаликка қайтарилиши керак. Булар асосан шешува на широтдан иборат. Бирок бундай бўлмапти. Ҳақ дегулар виллоят Кенгаши ижроия комитетининг бу борадаги фармойишини бажаришга ҳеч қим ошқича

Бундан беш-ўн индлар бурун чорвачиликни механизациялаш авж олиб кетганди. Шунда фермалардаги оғир жараёнлар техника зиммасига юкланди. Кейин комплекс механизациялаш кун тартибидан тушиб қолди. Молларни сугориш, озуқа тайёрлаш, гўштини ташиб олиш каби сермашаққат жараёнлар кўл кучи билан бажарилапти. Шу каби камчиликлар бартараф этилса, бурдоқчибоқарларнинг иши янада юришиб кетарди.

Ж. ЮСУПОВ.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ташкилотини хабар қилади

СССР Фанлар академияси Совет социалистик уюшмаси ҳузуридаги Тошкент жамоатчилик фикрини ўрганиш ташкилоти аҳолининг турли ижтимоий ва нуфус гуруҳлари орасида одамларнинг фикрини аниқлаш учун ишчилик савол-жавоб ўтказиб берилади. Хуллас гап бундай. Савол берилганларнинг яримдан кўпроги Ўзбекистоннинг қийнда давлат мустақиллигига эришганлиги иқтисодий тангликдан чиқиб тезлаштирилади, деб ҳисоблайди. Бу эса айрим марказий рўномаларнинг республика аҳолиси мустақиллик ва истиқбол тўғрисидаги ўхшашларни қўллаб-қувватламайди, деган хабарларнинг рад этади. Ҳақиқатда эса савол берилган кишиларнинг бир қисминга мустақиллик Ўзбекистон иқтисодиётини тангликдан олиб чиқишга ишонмайди.

Шунинг қизикси, савол берилган кишиларнинг ҳар бештасидан бири яқин икки-уч йил ичиди Ўзбекистоннинг иқтисодиётини қўллаб-қувватлашга, деб ҳисобламақда. Савол берилганларнинг 32 фоизи эса узоқроқ муддатда. — 5—10 йилни айтмоқда. Ҳар беш кишидан бири иқтисодий юксалиш 10—15 йилдан сўнг бошланади, деб тахмин қилмоқда. Ҳар 10 кишидан бири Ўзбекистон 20—30 йилдан сўнг ва ҳатто 40—50 йилдан кейин тўла иқтисодий баровонликка эришадиган, деб ўйламоқда.

Кишиларнинг қўндалик таҳлил этиш ўз фарзандларига туб миллат вакиллари билан бирмунча унмдабахш эканлигини кўрсатди.

«Ўзбекистон раҳбарияти, Олмаота шаҳрида сойиб иттифодш республикалар иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномани имзолаганини маъқуллашми?» деган саволга туб аҳолининг 89 фоизи ва туб миллатларга мансуб бўлмаганларнинг 85 фоизи икбий жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини тузиш тўғрисидаги ўттир саволга берилган жавобларга қараганда фикри сўралганларнинг 45 фоизи бундай партия тузилишини қўллаб-қувватлайди, 17 фоизи қувватламайди. Вешдан бир қисми (22 фоиз) Ўзбекистон ХДП тузилишига бефарқ қаради. Сўралганларнинг олтидан бир қисми ушбу саволга жавоб қайтарилмади.

Савол берилган кишиларнинг 63 фоизи Ўзбекистоннинг БМТга тула ҳуқуқий аъзо сифатида киришини қўллаб-қувватлайди. Фикри сўралганларнинг 24 фоизи талабларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этишнинг мақсадида мувофиқ деб ҳисоблайди, 66 фоизи бунга қарши.

Тошкент жамоатчилик фикрини сўраб билиш ташкилоти ҳар кун ижтимоий турмушнинг хилма-хил муаммоларини юзасидан 200 дан ортиқ кишига савол бермоқда. Муштариларнинг ўзлари ҳам ўз саволларини беришлари мумкин. Бу саволларнинг аниқ қийинчиликлари саволлар варақасига қиритилган ва эътибор қилиш учун тақдим этилади.

Халқ депутатлари Ленинград вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси номидан А. БЕЛЯКОВ



Миясир Отақулова Баҳмал районидagi «Гўлбулоқ» давлат хўжалигига сут соғувчи оили ишлайди. Ҳар йили олтинчи майбўриларнинг ортиги билан адо этиб келяпти. Фермада ўз қисбининг устаси сифатида тилга олинди. У Ўзбекистон Республикаси халқ депутати бўлган учун ҳам тиниб-тинчимади. Кишилар оғирини енгил қилиш, қишлоқдаги муаммоларни ҳал этишда беш қол.

СУРАТДА: элнинг севиля фарзанди М. Отақулова. Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат. (ЎЗТАГ).

БИР ХЎЖАЛИКДА ЎН ТАРМОК

Учқўрғон районидagi «Андижон» жамоа хўжалигига иқтисодий самара бераётган бир тармоқлар эса тобора ортиб бормоқда. Шу кўнгача бу ерда консерва цехи, атлас, гилам, шолча, жун рўзғар, туқини цехлари, жон гўшт тайёрлаш цехи ишлаб турган эди. Яқинда улар сағига электр токи билан ишлайдиган мойкувот ҳам қўшилди.

Мойкувотда зигир, чигит, кўнгабоқар ва йўқот ёғини олиш мўлжалланган. Шу мақсадда хўжаликда икки гектар ерга зигир ва бир гектар ерга кўнгабоқар экинди. Мойкувот тула қувват билан ишлаганда соати-

га 500 килограмм хом ашёни қайта ишлай олади. Жамоа хўжалигига етиштирилган мойди экинлар эса унинг тула ишлашини таъминлай олмагисини аниқ. Шунинг учун райондаги ҳар бир хўжаликда мойди экинлар етиштиришга алоҳида майдонлар ажратилган ва олинган ҳосилни колхоз мойкувотига топиришга қарор қилинди. Мойкувотдан тақриба тариқасида дастлабки маҳсулот олинди.

Хўжаликда энди духоба цехи ва пишқи гўшт тайёрловчи Совет-Сурия қўшма корхонасининг филиалини очиб қўзда тутилмоқда.

Чўлда азим корхона

АШХОБОД. (Туркманнформ мухбири Оллобер Оразов — ТАСС). Туркманнестоннинг Шаркида жумхуриятдаги эмас, бунг ўрта Осиёда ҳам энг катта нефть химияси корхонаси — Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушди. Корхона Сибирь қонларига қазиб олинган нефтни қайта ишлайди. Қозғистон ва Ўзбекистон орқали тортилан кўп километрга нефть қувуридан бу ерга нефть оқиб келмоқда. Чўлда 20 квадрат километрдан кўпроқ майдонни эгаллаган заводи қурилишида Совет Иттифоқи барча миқталадини намойишлари қат-

нашдилар. Уни барпо этишда Чехословакиядан ва сойиб ГДРдан келган мутахассислар ҳам ёрдам берди.

Кеча нефтьчиларнинг навқирон шаҳри Сайида Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини ишга туширишга бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантанали йигилнида сўзга чиққан Туркманнестон ССР Президенти Сафармурод Нисов корхона қурувчилари ва ишчиларини жумхурият иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим бўлган корхона ишга туширилганлиги билан табриқлади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

МАДАДКОРЛАР БОР

Рўзноманинг 1991 йил 17 июль сонидида чоп этилган «Қадрга зор» сарлавҳали мақолани текшириб чора қилиш учун Чеклар район ижроия комитетига юборганда. Яқинда ижроком раисининг биринчи муовини З. Нурматовдан жавоб олдик:

«Ҳақиқатан ҳам Р. Оқилова турмушда қийинчиликлар юз берганлиги тўғрисида — дейилганда — Айни вақтда районимиздаги қўлаб очор кишиларнинг оилавий аҳолини яхшилаш чоралари қўрилляпти. Шу жумладан, Р. Оқилова оиласига ҳам зарур ғам-хўрлик кўрсатилмоқда. Бу

оилага ёрдам тариқасида 50 дона шифер берилади, озиқ-овқат маҳсулотларидан ёрдам уюштирилади, 3 тонна кўмир ажратилди, уйи суваб берилади.

Қаҳрамон она Ринсат Оқилова оиласига бундан бўён моддий ёрдам бериб туриш К. Маркс номли жамоа хўжалиги бошқаруви-га топирилади.

ЖАРИМА СОЛИНДИ

«Булунгур виллоят заводида тозалагич ишоотларининг йўқлиги сабабли 1- ва 2-пехлардан қийаётган чикинлардан тўғри Булунгур аригига оқизилляпти. Биргина 1990 йили атроф муҳитни ифлослантираётганлиги учун завод 6.300 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Шунга қарамай унинг раҳбарлари тозалаш ишооти қуришни ҳанузгача ҳаёлларига келтиришляпти...»

Рўзноманинг 1991 йил 25 июль сонидида босилган, «Сўвга тушуриш гуноҳи азим» сарлавҳали мақолада шу ҳақида фикр билдирилган.

Биз ушбу мақола юзасидан Булунгур район прокурори, адлия маслаҳатчиси Ш. М. Шамсиевдан жавоб олдик.


«Булунгур район прокуратураси мажбур мақола юзасидан қуйдагиларни маълум қилди, — дейилади мақтубда. — Виллоят заводида чикан чикинди сулар Булунгур аригига оқизилляпти учун виллоят заводи бош инженери Тоир Ҳамдамов моддий жавобгарлик торттилиб, унга нисбатан гражданик иш қўзғатилди. Мажбур иш Булунгур район халқ судида қўзғатилди, Тоир Ҳамдамовга бир ойлик иш ҳақи миқдо-

Ўзбекистон Республикаси хўжалик номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. ЖУРАБЕКОВ А. СОБЧАК









## КУЗ НЕЪМАТЛАРИ ҚИШ ДАСТУРХОНИГА

Бозор иқтисодиёти, тақчиллик ҳозирги шароитда тадбиркорлик кўрсатишни талаб қилмоқда. Пишиқ-пукта режа тузиб, қуч-ғайрат, билим-тажриба билан иш юритилса, бугунги етишмовчиликлар ўрнини тўлдириб енгилроқ қўлади. Буни Москва районидagi Ўрта Шаҳрихон матдубот жамияти ходимларининг ишлари мисолида яққол кўриш мумкин.

— Учта қишлоқ Шўроси, бешта жамоа ҳўжалиги ҳудудда истиқомат қилаётган 37 миң аҳолига хизмат кўрсатамиз, — дейди матдубот жамияти раиси Ингитилан Қобулов, — кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, бозор иқтисодиёти қийинчиликларини озми-кўпми енгиллатиш, шунингдек, қиш фаслида озиқ-овқат таъминотини яхшилаш мақсадида шол, бўғдой, ун омборларини ташкил этдик. Фрунзе номи жамоа ҳўжалигининг ҳажми 1000 квадрат метрли пиллаҳонасини ижарага олиб, 200 тонна пиез, 200 тонна қовун-тарвуз, 10 тонна оқ жүдори жойлаб қўйдик. Бу маҳсулотларни ходимларимиз республиканинг турли вилоятларида шартнома асосида, келишилган баҳода олиб келишдик.

Сунги уч ой ичида келин-куёвлар, кўп болали оилалар, кам қўли аёллар, ногиронлар учун қурилиш материаллари, сут маҳсулотлари, китоблар, тилла буюмлар, тижорат дўконлари очилди. Пахта йиғим-терими даврида Ленин номи, Фрунзе номи, Навоий номи, Охунбобоев номи, «Хўжаобод» жамоа ҳўжаликларида озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан савдо қилувчи дўконлар ташкил этдик. Булардан ташқари 12 та сотувчисиз магазинлар ишлаб турбиди.

Келгусида тасарруфимиздаги 1,5 гектар ерда меваги бот барпо этиш, ҳозирда қурилиши бошлаб юборилган тегирмон ва жувоэни ишга тушириш режалаштирилган.

Матдуботчиларнинг бундай хайрли ишлари ўз самарасини беришига, турмуш юқини енгиллатишига шубҳа йўқ.

Т. СОЛИЕВА.

**СУРАТЛАРДА:** 1. Матдубот жамияти ходимлари омборхонада жамғарилган маҳсулотларни қўздан кечиршишмоқда. 2. Қовунлар қишга халқ усулида шундай сақланапти.



Оврўпа жануби — Ўрта

деңгиз соҳилларида, Янчик Осиё ва Ўрта Осиёда, Химодай атакларида, Хитойнинг марказий қисмида, АҚШнинг жанубий районларида қўз бошланади, ёмғир ёғади, шамол эсиб, қор тушади. Дарахтларнинг сунги барглари дувиллаб тўқилади.

Чўллارдаги барханларнинг кунгай томони, яъни жанубий қисмида онда-сонда кўккарган ўсимликлар кўзга ташланади. Ёзи жазирама иссиқда қовжираб қолган ўсимликлар кўзга ёмғир туфайли қайта жонланиб, айримларида қўз-қўқариш даври давом этади.

Қўшоқ нэлари аёён-аёёнда учраб туради. Улар қиш уй-қусига кетиш тарадудиди. Тоғларда яшовчи қанқиллар озуқа қидириб, водийларга тушади. Типратикан ва бўрсиклар ухлаб қолишади. Сувда сузувчи қўшлар табияти гўзал юртимиз ерларини ҳали тарқ этишгани йўқ. Сув ҳавзаларимиз музлагандан сунгиги жанубий ўлкаларга номлож учиб кетишадди.

Шимолги муз уммони соҳилларида қиш нҳоятда қаттиқ бўлади. Гарбий Оврўпада СССРнинг шу қитъа қисмидаги районларида осмонда қу-

- ♦ Интилганга иқбол ёр. Изланганга имкон.
- ♦ Дилдан чиққан сўз дилга ўтирар.
- ♦ Бўғиздан чиққан олға.
- ♦ Узи самимийнинг сўзи ҳам самимий.
- ♦ Узи сохтанинг сўзи ҳам сохта.

## НУҚРА

- ♦ Узингда борки, оламда бор.
- ♦ Узингда йўқки, оламда йўқ.
- ♦ Сийлаганини қуш ҳам билар.
- ♦ Тангри ҳам, сийганга боқар.
- ♦ Эл ҳам кўйингизга қуяр.
- ♦ Эзгуликка пешвоз чиқ.
- ♦ Ёзуликдан нари қоч.
- ♦ Эзгу ниятнинг — яйдолошинг.
- ♦ Эзгу ишинг — қўлодошинг.
- ♦ Яхшиликни балиқ билар.
- ♦ Балиқ билмаса, холиқ билар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ тўплаган.

Деҳқонларимиз ўз тажрибаларига таяниб, ҳар ой юмушларини барвақт бажаришга одатланганлар. Чунки, улар ақраб хусусиятларини табиатдаги ўзгариш ва воқеаларга қараб олдиндан сезиб олишади. Бундай дамларда уларга бой тажрибалари қўл келади. Қўйда деҳқонлар донолигидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола эта-

- ♦ Чумчуқлар орталаб қўвонгандек чирчиллаша, тушга яқин кун исийди.
- ♦ Дарахтлар барги одатда ноябрь ойида тўла тўқилиб кетади. Агар тўқилмавермаса, бу қиш қаттиқ келишидан ишорат.
- ♦ Агар дарахтларнинг

Ноябрь ойининг биринчи хусусияти шундаки, пахта далаларида йиғим-терим нҳоясига етиб, келгуси йил ҳосилга пукта замин тайёрлашга киришлади.

Омиқкор пахтакорлар бу ойда об-ҳаво шароитлари кескин ўзгаришини яхши биладилар. Бу даврда қулай келган ҳар бир куннинг деҳқончиликдаги моҳияти нҳоятда каттадир. Шу боис деҳқонлар осмон авзоига ташвиш билан нигоҳ тикиб, қушга ишларни тезроқ нҳоясига етказишга ҳаракат қиладилар. Ноябрь охирида ер бетини қор қоплаган йиллар кўп бўлган.

Авалло қўда қора булутлар пайдо бўлади. Улар фазонинг кўп қисмини узоқ вақт эгаллаб туради. Тонг-отар лаҳзаларида уфқ юзини қумушранг доиралар қамраб олса, кечга бориб улар тўқ-қизил туста қиради.

Қўшнинг ботишида ҳам ўзгариш рўй беради. У кечни пайт уфққа яқинлашганда катталашиб, қип-қизариб кетади. Бу қўзнинг охириги ойига хос аломатлардир. Энди бўғига совуқлару из-ғиринларни кутавер. Қўтилмаган ажойиботлар рўй бериши ҳеч гап эмас. Шундай экан, шудгорни тез ва сифатли ўтказиб олиш пайида бўлинг, қишга тайёргарлик қўришни тезлатинг.

Тўғри, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида, чунки, Термиз теварак-атрофларида, Амударё соҳилларида об-ҳаво ҳали ҳам илқ. Аммо хонгудининг зорли товуши шу қўнларга хос хусусият — жуфтлашиш даври келганлигидан далолат беради. Туёқли жониворлар ўртасида ўз жуфтига эга бўлиш учун шиддатли «нанг» бошланади. Бу пайтга келиб уларнинг шохлари бақувват-лашади.

«Нанг»да тоғлиб чиққани ўз орасидан уч-тўртта урғочни хонгудини тўқ-қайлар ичига бошлаб кетади.

Табиатнинг кўп асрлар мобайнида юзага келган қонуниятларига кўра бозо жониворлар ўртасида ҳам жуфтлашиш жараёни айни кеч қўз қўнларига тўғри келади. Еликлар, тоғ эчкилари, Северцев қўйлари, морхўрлар ҳам «никоҳ тўйлари»ни бошлашади. Кучли ва чиройли ҳайвонлардан иборат подалар шаклланади. Келгуси йил баҳорда эса уларда янги авлод пайдо бўлади. Демак, туёқли жони-

вилган. Уларни қўриқлаш бўйича махсус қонунлар иш-лаб чиқилган.

Ариасой тоқчиллари, Далварзин худудларида, Амударё ва Сирдарё, Охангарон ва Зарафшон, Қорасув ва Сангзор, Чорда ва Тошкент деңгизи бўйларига шимол минақалардан қўшларнинг учиб келиши давом этмоқда. Сувда сузувчи қанотлилар оқими илқ ҳавзалар сари шошилишяпти. Улар ёни Ўрта Россия ва

қаларни қўздан кечиринишади. Мусичалар ва чумчуқлар қадридон ерларини тарқ этишмайдилар. Қанқиллар, чумчуқлар қишнинг совуқ қўнларида ҳам тоғларни тарқ этишмайдилар. Қирғовуллар эса тўқайларни маъқул қўришади.

Бўрсиқ ноябрда сезиларли тарзда совуқ тушиши билан уйқуга ётади. Баъзан бутун қишни шу тарзда ўтказишади. Агар ноябрь илқ-роқ келса, у уйқуга ётмайди, овқат ёб, мой тўплашни давом эттиради.

Тоғ дарахтларида, чунки, Нурота қўриқхонасидаги ёнғоқ дарахтларида олма-хонлар ўзларига уя ясашапти. Ноябрь — улар ҳаракат қилганидан охириги ой. Шундан кейин иссиқ жойларга кириб олиб, баҳорга қадар ухлашади.

Қорсақ, тулки, шоқол, бўри, олакўзан латча ва бошқа йиртқич ҳайвонлар кемирувчиларни ов қилишади. Сичқонлар, қаламушлар бу пайтда нҳоятда қўпайиб кетишади.

Совуқ тушиб, қиш ўз ҳукмини ўткази бошлаганда қўндузларни тутиш бошланади. Уларни қўпқонларга тушириш ёки отиш ярамайди. Бу уларнинг мўйнасини бузади. Натигада уларнинг сифати пасаяди. Шу боис тажрибали овчилар қўндузларни махсус мосламалар ёрдамида ушлашади.

Ноябрда ёғадиган ёмғирлардан сўнг дарахтларнинг барглари топ-тоза бўлиб, улар ўзгача манзара олади. Дуб, қайин, терек, қинор, жийда япроқлари ҳали тўла-тўқис тўқилиб кетгани йўқ. Абдий яшиллик рамзи-арча-чалар тоғ ёнбағирларига ҳамон кўрк бермоқда.

Шундай қилиб табиатда ўзгаришлар рўй бермоқда. Далалар, даштлар, ўрмонлар ўзгача манзара касб этмоқда.

А. ЎРМОНОВ.

## ТАБИАТ АТО ЭТАДИ

Бу ойнинг арабча ақраб (ўзбек тилида чўё) деб аталishi бежиз эмас. Ана шу номдан буржга кирувчи юлдузлар осмон гўмбазига мазкур жонивор шаклида жойлашган.

Чаёнга хос хусусиятлар шу ойда тўғилган кишилар феъл-атворида ўз ифодасини топади. Улар аввало нҳоятда қизиққон бўладилар, нафақат ўзларини, балки теварак-атрофини ҳам тубдан ўзгартаришга қодирдилар.

Шу билан бирга улар қаттиққўл бўлишларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бунга изчил бўлишларини, ўйлаган ҳар қандай ишларини мангидан тўғри ақуллашга эришишларини қўшимча қилиш зарур. Улар билан муносабатда ҳар доим ҳўшёр ва эҳтиёткор бўлиш керак.

Бу ойда таваллуд топганлар ташқи қўринишда хотиржам бўлсалар-да, аммо ички дўнеси қайноқ, эҳтиросларга тўладир. Зарур бўлган дамларда ўзларини бошқариш, қўлга олишга қодирдиларни, бу одатларга ҳавас қилса арайиди.

Агар сиз ҳиссиётларга бой бўлсангиз, уларнинг бу ҳақдаги фикрларини сўрашга ҳаракат қилманг. Бундай пайтларда қўпичча аччиқ ҳақиқатни ошитасиз.


Мунажжимлар «чаён»лар асосан тўрт тоғфага киришларини таъкидлайдилар. Биринчиси — ўта шафқатсизлик. Улардаги эҳтирос шу даражада кучли бўладики, бу рақибини кўра олмаслиқда ўз ифодасини топади. Агар сиз бардоҳингиз, шафқатлигингиз, инсофлигингизни синоб қўрмоқчи бўлсангиз, бунда улардан яхшироқ синобчинни топишингиз мушкул.

Иккинчи хиллари ўз яқинларини ҳар қандай рақибдан ҳимоя қила оладилар. Улар муҳофизатига шафқатсиздилар, жисмоний оғриқни, қашшоқлиқни, муваффақиятсизлиқни мардона кечирадилар.

Учинчи тоғфага кирувчилар ўз ишларида доир масалаларни ечишга юзаси қараётгандек қўринадилар. Аслида эса катта имкониятларга эгадилар.

Нҳоят, тўртинчи тоғфага кирувчиларда яхши яшашга майл қўчилиб. Бундай кишилар ўз ҳаётини тубдан ўзгартаришлари мумкин.

О. ФАРМОНОВ.



Қ. ДЕҲҚОНОВ.

Муҳаррир  
Н. ЕҚУБОВ.

«Қишлоқ ҳақиқати» рўномаси тахририяти, партия, касаба ўқурмаси ташкилотлари рўноманинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбири Ж. Юсуповга волидан меҳрибон

Онабиби  
БОВОЖОНОВАнинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия илҳор этадилар.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ. «ЎЗИЛДО-ОВОШЧВИНПРОМ» КОНЦЕРНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ. «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЖАМОАСИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КўЧАСИ, 32

32-56-26. Масьул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш сановати бўлими — 32-54-48. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелiorация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33, 32-56-37. Аҳборот ва спорт бўлими — 32-54-54, 32-56-37. Шикоят, хат ва маъмурий оргнлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Бозорчи бўлими — 32-58-79. Ёлпонлар бўлими — 33-81-42.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-54-44, 33-16-27, 32-54-42. Масьул котиб — 33-09-93,